

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

Самарқанд ХУДУДИЙ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 07B-313.

Самарқанд ГИББИЁТ  
Институтини қосидаги  
академик лицейи.

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 25 - 01

0713/3 -сон

Самарқанд ш.  
Т(Ш)ЭТК номи

Самарқанд хэфи А.ш.  
(туман(шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи)

асосида фаолият юригувчи

Раҳбари Мамабакулов Ф.А. (кейинги ўринларда  
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда НИЗОМ асосида фаолият

юригувчи СамДУТН акционерлик ширкати  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари У.И. Махмурова (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 450 кВт.с. реактив 46666 кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 20934700 ўми, тариф бўйича биро етказиб ташкил этади.  
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керактивсиз ёлмаси)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўлашнинг лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари шобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва гадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига солиб олинмас, давлат қиёсловида ўтказилади, хулудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бевул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб борувчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва уюган ортқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари



уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари (бундан мустафо) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (туран криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматда муқофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратилиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфлангани тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмдан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камидан 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аввалги тарихида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан олтик бўлмаган мул вақтида қўшимча тўлов тўлашдан оқуд этилади.



Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва "Таъминотчи корхона" томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. "Истеъмолчи"га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хотишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмаган даврини кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланганидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўламаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

"Истеъмолчи" турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

"Таъминотчи корхона" томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзaro ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табақалантирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бромли истеъмолчилар тўлдиради).*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфларнинг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун



кайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали такдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда талбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олинган приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимда юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажминини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойнадан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларининг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни куйидаги ҳолатларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллариغا хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлатишга ташқаридан аралашини ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда таъқиқлик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтинчи кўрсатган



ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларнинг, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўтириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. "Истеъмолчи" томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мажбуз қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ОХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. "Истеъмолчи" электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан Оилавий корхона гураҳ жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган такдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"нинг электр қурилмаларини "Таъминотчи корхона" электр тармоқларида техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Таъминотчи корхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишча миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган такдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмида етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш; Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагини қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатишганда етказилган зарарни қоплатиш талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келадиган шикоятларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича ажратилган органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.



#### 4.2. "Истеъмолчи" куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куват) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Ўзэнергоспекциясининг"нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилишини қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра куйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалли дэврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргалликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни таъқил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланишини ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи метёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг таъқилланган метёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;



электр энергиясини тежаш бўйича (йишлик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариш шарт.

“Истеъмолчи” қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришнинг талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармогидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиғи объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлатирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиғи объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огохлатириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиғи ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўриштирилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш; “Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўнайитириш (камайитириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўриштирилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўриштириш, шомбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш. Таъминотчи корхона қонуиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонуичилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари



бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, "Таъминотчи корхона" буниинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи" олдида молдний жавобгар бўлмайди агар:

"Истеъмолчи" электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира маибан автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгил бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатишганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатишган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20 20 йил 31 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузишган. Шартноманинг ниввалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатида ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шarti билан бекор қилишнинг мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартiriш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондилар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошиқа амалдаги норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.



VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Сам. ДТЧ, Оқоғемиш дивизи  
Хисобрақами 100010860184017092800054002  
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 205313756

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:  
Бюджет фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

Бюджетдан ташиқари фонднинг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_ e.mail: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами 14:16:01:14.01:0230:10001

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) \_\_\_\_\_

DBIVT (СООГУ) \_\_\_\_\_

MNOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_

(КФС) \_\_\_\_\_

TSHK (КОПФ) \_\_\_\_\_

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили \_\_\_\_\_

Хисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар: \_\_\_\_\_

DBIVT (СООГУ) \_\_\_\_\_

MNOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_

Самарканд ш Энергосотиш  
Фис: 22636000402611704396  
АТБ «Ўзсаноат қурилиш банк»  
Факс:  
МФО: 00317, ИНН: 200613520  
СООГУ: 1718400, СОАТО: 1013



Истеъмолчи  
*[Signature]*  
М.У. \_\_\_\_\_, Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА  
*[Signature]*  
М.У. \_\_\_\_\_, Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
САМАРКАНД ШАХНАРА  
ELEKTR TA MINOTI  
KORXONASI  
A. Temur ko'chasi 50-uy.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ

*[Signature]*  
Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йили 22 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартнома шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонуний талаблари мундариқ қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномани ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги ишларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристкаонсулт: *[Signature]*  
(М.У.Ш.)



Электр таъминотининг шартномасига  
I - илова

Ўтказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури Бюджет
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_  
• Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: ХК

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	15555				6999750
Февраль	15555				6999750
Март	15555				7000200
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 8 соат, ойга 26 кун

Умумий юклагага нисбатан сменалар бўйича юкланиш Ҳа ҳисобида I, II, III

Истеъмолчи  
Х. У. Махмудов

М.У \_\_\_\_\_  
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)





Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг таъсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб-Истеъмолчи)нинг прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами	Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучланиш			
	МА-310 МА-310	5505208514205 5505208514206		5/5 400/5	5/5 400/5	80	80	150



Имзолар:





Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъулилик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун слоҳида 3 ва 4-шосалар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами 3104 ток трансформатори 0,11 кучлиниши  
трансформатори 400 ваами коэффициент 80 уланган қуввати \_\_\_\_\_ кВт  
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

1. Тариф гуруҳи 25 Фаолият тури деормети  
шаҳар, қфй, мфй, кўча уй рақами  
Труба ишл. чик, Шлакоблок, Гитит, Плетка ишл. чик, Акфа цехи, Пасос, Савдо, Кафе, Оиҳона, Устакхона ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи КН-04 КВ

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_ кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича  
мансублик чегараси 05 Ч/Б. 250ТК КМ А.0.4КВ

В слоту пс/п/в/д

3. Улардан қуйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) исобопер ив чегарас

"Истеъмолчи" билан қўзилган "Техник хизмат кўрсатиш" № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш" шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_  
томонидан хизмат кўрсатилмайди.


4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси қуйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

исобопер ив чегарас 05 Ч/Б. 250ТК КМ А.0.4КВ



Вазиллар:  
Шилларид  
(имзо)

Акрамов  
(имзо)



М.ў.

### Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.


Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.


Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларининг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларининг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи:

  
(Имзо)





Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ҲИСОБОТ

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича  
Кўрсаткичлар қайд этилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завад рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-ҳитоб коэффициентни			Ҳисобга олиш прибори		Ҳисобга олиш прибори курсаткич- ларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАрс.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.						
	ток трансфор- маторининг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торининг (КТ)	уму- мий	курсаткичлари				Кун	Кечки типо вақт	Тун	савт		савт	
				бошлан	охирги						савт	савт	савт	савт
1	2	3	4	5	6	7	8	савт 6-9	савт 9-10	савт 10-11	савт 11-12	савт 12-13	савт 13-0-6	
Жами														

Изоҳ: 7 устун = 6 устун - 5 устун, табақалаштирилган ҳисобга олиш назорат рақами 8 устун = 7 устун \* 4 устун  
8 устун = 9 устун + 10 устун + 11 устун + 12 устун

Истъмолчи раҳбари

*Маъмуров С. Махмуров*

Ф.И.Ш.ИМЗОСИ



Таъминотчи корхона энергетиги

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

*ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан ҳисобланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.*



## 2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги миқдори истъмоъл қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истъмоъл қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истъмоъл қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима саналмайди ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истъмоълчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг теҳриқ иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициентини кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истъмоълчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истъмоълчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришига йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг гасдикловни бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истъмоълчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоқининг катта қисмлари соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоқининг кичик юктамали соатларида энергия теҳими тармоқидан реактив энергия истъмоъл қилинганда, агар Истъмоълчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорига белгиланади.



Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_ ширкатида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзга келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажаришни керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот тилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кириди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қўйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ширкати тўхташига, истиши тизимида мулаб қилинига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари электр тармоғидан унлмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирилади (шубу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан таъминот ширкати билан келиш-кетилиш ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).



Истеъмолчи: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Имзолар:

